

УЎК: 581.6: 631.5: 631.8:633.88.

**ДОРИВОР МОЙЧЕЧАК (*CHAMOMILLA RECUTITA* L.) КЎЧАТЛАРИНИНГ
ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ОЗИҚЛАНТИРУВЧИ
«ПЛАНТАСТИМ» МОДДАСИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТАЪСИРИ**

У.И.Рузметов, к.х.ф.н., к.и.х., С.Ф.Улугова, к.х.ф.д (PhD)

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7212273>

Annotatsiya. Maqolada ta'kidlanishicha, romashka officinalis etishtirishda Plantastim oziqaviy moddasidan foydalanish samaradorligi, shuningdek, uni qo'llash miqdori ko'p jihatdan tiamin, biotin, B12 vitamini, auksinlarni iste'mol qilish nisbatiga bog'liq. asosiy oziq moddalar, o'simlik rivojlanishining dastlabki bosqichida. Moychechak ko'chatlarini etishtirishda etarli miqdorda oziqa moddalarini kiritish bilan yuqori samaradorlik qayd etildi.

Kalit so'zlar: dorivor romashka, qishloq xo'jaligi texnologiyasi, ekish, stimulyator, urug'lar, tuproq, etishtirish, parvarish qilish, o'sish va rivojlanish tezligi.

**ВЛИЯНИЕ ПРИМЕНЕНИЯ ПИТАТЕЛЬНОГО ВЕЩЕСТВА «ПЛАНТАСТИМ» НА
РОСТ, РАЗВИТИЕ И ПРОДУКТИВНОСТЬ СЕЯНЦЕВ ЛЕКАРСТВЕННОЙ
РОМАШКИ РЕКУТИТА Л.**

Аннотация. В статье отмечается, что эффективность применения питательного вещества Плантастим при выращивании ромашка лекарственной, а также количество его применения во многом зависит от соотношения использования тиамина, биотина, витамина B12, ауксинов, которые считаются основными питательными веществами, в начальной фазе развития растений. Была отмечена высокая эффективность при внесении достаточного количества питательных веществ при выращивании саженцев ромашкой.

Ключевые слова: ромашка лекарственная, агротехника, посадка, стимулятор, семена, почва, выращивание, уход, скорость роста и развития.

**EFFECT OF APPLICATION OF NUTRIENT "PLANTASTIM" ON GROWTH,
DEVELOPMENT AND PRODUCTIVITY OF MEDICINAL CHAMOMILLA
(*CHAMOMILLA RECUTITA* L.) SEEDLINGS**

Abstract. The article notes that the effectiveness of the use of the nutrient Plantastim in the cultivation of *Chamomilla recutita*, as well as the amount of its use, largely depends on the ratio of the use of thiamine, biotin, vitamin B12, auxins, which are considered the main nutrients, in the initial phase of plant development. High efficiency was noted with the introduction of a sufficient amount of nutrients when growing *Chamomilla recutita* L. seedlings.

Keywords: medicinal chamomile, agricultural technology, planting, stimulant, seeds, soil, cultivation, care, growth and development rate.

Кириш (Мавзунинг долзарблилиги). Ўзбекистон табиий ва географик жихатдан доривор ўсимликларга бой худуддир. Бу худудда табиий ҳолда 4500 турга яқин юксак ўсимликлар учрайди. Шулардан 1200 га яқин ўсимлик турлари дориворлик хусусиятига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар дунёсининг бойлигидан далолат беради. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, мавжуд

дори-дармонларнинг 60% ни доривор ўсимликлар хом-ашёларидан олинган препаратлар ташкил этади.

Доривор ўсимликлар ҳалқ томонидан минг йиллар давомида доривор сифатида фойдаланиб келинмоқда. Айниқса, сўнги йилларда ўсимликлардан тайёрланган шифобахш махсулотларга бўлган талаб кескин ошиб кетди. Уларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш, мавжуд ўсимлик ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳамда ҳалқни доривор ўсимликлар махсулотлари билан тўла таъминлаш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Доривор ўсимликлар етиштириш соҳаси ўрмон хўжалигининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, Республикамизда мавжуд доривор ўсимликлардан инсонлар касалликларини даволаш, уларнинг олдини олиш мақсадида турли дори препаратлари тайёрланади ёки улардан соф ҳолдаги доривор моддалар ажратиб олинади. Экологик тоза, соф дори махсулотларини ҳалқимизга етказиш орқали инсонларни саломатлик даражаси, умрнинг узайиши, шунингдек соғлом турмуш тарзининг тикланишига хизмат қилади.

Республикада сўнги йилларда доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, доривор ўсимликлар етиштириладиган плантациялар ташкил этиш ва уларни қайта ишлаш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон республикаси президентининг “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори (ПҚ 4901-сон, 26.11.2020 й.) қабул қилинди. Қарорга кўра, барча қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллеж ва техникумларда “Доривор ўсимликларни етиштириш агротехнологияси” йўналиши очилади [1], 2022 йил 20 майдаги ПҚ–251–сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги [2] қарорлари ва мазкур соҳага доир бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот услубияти. Тадқиқот объекти сифатида доривор мойчечак (*Chamomilla recutita* L.) ўсимлиги олинди. Тадқиқотларда умумқабул қилинган услублардан (Б.А. Доспехов, Борисова, Бейдеман, Пономарев, Зайцев, Ярош, Терехин ва б.) [3, 4] ҳамда давлат стандартлари бўйича амалга оширилди. Тадқиқотлар давомида доривор тирноқгул кўчатларининг фенологик кузатув ишлари ўз вақтида олиб борилди ва ўрганилди. Тадқиқот ишлари 2020 йилда Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги тажриба майдонида ўтказилди. Тажриба майдонининг тупроқлари оч тусли бўз тупроқлар ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили. Сирдарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароити Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги тажриба майдонида озиклантирувчи (Плантастим) модда кўллашнинг доривор ўсимлик кўчатлари ўсиши ва ривожланишига, ҳосилдорлигига таъсири бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Плантастим-доривор ўсимликларнинг илдизи орқали озиклантирилади, фосфор ва калийнинг ўзлаштириладиган шакллари ва эрувчанлигини 85%га оширади. Таркибида тиамин, биотин, В12 витамини, ауксинлар ҳисобига ўсимликлар ривожланишининг бошланғич фазасида, яъни ўсимликлар барг чиқарганда, ғунчалаш ва гуллаш давларида кўлланилди. Бу эса ҳосилдорликни 20-40% оширилишига ёрдам беради.

Тадқиқотларда озиклантирувчи плантастим модда 10 литр сувга 50, 100, 150, 200 мл микробиологик биостимулятори қўлланилди. Олинган тадқиқот натижалар шуни кўрсатдики, доривор мойчечак кўчатлари вегетацияси даври давомида ўсиши ва ривожланишига озиклантирувчи Плантастим моддасининг турли меъёрларини қўллаш натижасида ўсимликнинг бўйи ва поя диаметрига таъсири аниқланди.

Тахлил натижаларига кўра, назорат вариантда ўсимликнинг ўртача бўйи 43,3 см, диаметри 3,3 мм ни ташкил қилди. Иккинчи вариантда 45,8 см, 3,5 мм; мақбул учинчи вариантда 52,7 см, поя диаметри 3,9 мм; тўртинчи вариантда 49,6 см, поя диаметри 3,7 мм, бешинчи вариантда бўйи 47,3 см, диаметри 3,8 мм ни ташкил этди. Назоратга нисбатан мойчечак кўчатининг бўйини 1,2 баробарга, яъни 121%, диаметрини эса 1,1 баробарга, яъни 118% га оширди (1-жадвал).

1-жадвал

Доривор мойчечак кўчатларининг ўсиши ва ривожланишидаги биометрик кўрсаткичлари, (Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги)

Вариантлар	Ўртача, M±n H–бўйи, см D–диаметр, мм	Σ	V	n	назоратга нисбатан%	t	p
Назорат	H 43,3±0,33	2,35	5,43	50	100	6,1	0,8
	D 3,3±0,03	0,22	6,77	50	100	0,5	1,0
50 мл	H 45,8±0,42	2,98	6,87	50	105,82	6,5	0,9
	D 3,5±0,03	0,19	5,92	50	106,88	0,5	0,8
100 мл	H 52,7±0,38	2,68	6,20	50	121,72	7,5	0,7
	D 3,9±0,04	0,31	9,52	50	118,44	0,5	1,1
150 мл	H 49,6±0,62	4,40	10,17	50	114,49	7,0	1,3
	D 3,7±0,06	0,41	12,46	50	112,71	0,5	1,6
200 мл	H 47,3±0,40	2,82	6,52	50	109,32	6,7	0,8
	D 3,8±0,07	0,48	14,71	50	116,83	0,5	1,8

Мойчечак кўчатларининг ҳосилдорлик кўрсаткичларига озиклантирувчи модда (Плантастим)нинг турли хил меъёрларининг таъсири аниқланди. Гул хом ашёси курук массаси ҳосилдорлиги назорат вариантда 467,1 кг/га, уруғ ҳосилдорлиги 97,3 кг/га, 50 мл қўлланилган вариантда гул хом ашёси 514,7 кг/га, уруғ ҳосилдорлиги 110,4 кг/га, мақбул 100 мл қўлланилган вариантда гул хом ашёси ҳосилдорлиги 673,1 кг/га, уруғ ҳосилдорлиги 186,1 кг/га ни ташкил қилди. Назоратга нисбатан гул хом ашёси ҳосилдорлигини 1,4 баробарга, 144%; уруғ ҳосилдорлигини 1,9 баробарга, 191%га оширди (2-жадвал).

2-жадвал.

Доривор мойчечак кўчатлари ҳосилдорлигига плантастимнинг таъсири, кг/га (Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги)

Вариантлар	Ўртача, M±n	Σ	V	n	Назоратга нисбатан %	t	p
гул хомашёси							

Назорат	467,1±0,70	4,94	1,06	50	100	66,1	0,1
50 мл	514,7±0,43	3,01	0,64	50	110,19	72,8	0,1
100 мл	673,1±0,39	2,78	0,59	50	144,08	95,2	0,1
150 мл	628,5±0,46	3,23	0,69	50	134,54	88,9	0,1
200 мл	552,1±1,20	8,48	1,81	50	118,20	78,1	0,2
уруғ ҳосилдорлиги							
Назорат	97,3±0,67	4,71	4,84	50	100	13,8	0,7
50 мл	110,4±0,82	5,79	5,94	50	113,42	15,6	0,7
100 мл	186,1±0,50	3,52	3,62	50	191,23	26,3	0,3
150 мл	147,4±0,62	4,40	4,52	50	151,43	20,8	0,4
200 мл	154,3±0,69	4,86	4,99	50	158,48	21,8	0,4

Хулоса. Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, Сирдарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроклар шароитида доривор мойчечак ўсимлигини жадал етиштириш мақсадида қўлланилган озиклантирувчи модда плантастимнинг турли хил меъёрлари ўсимликнинг гул хом ашёси ҳосилдорлигини 1,4 баробарга, уруғ ҳосилдорлигини 1,9 баробарга оширишга эришилди.

REFERENCES

1. Ўзбекистон республикаси президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ 4901-сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар қўламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz
2. Ўзбекистон республикаси президентининг 2022 йил 20 майдаги ПҚ–251–сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги қарори. www.lex.uz
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта /Б.А.Доспехов// Изд. Альянс, Москва, 2011. <https://search.rsl.ru/record/01005422754>.
4. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. В работе показаны способы ведения фенологических наблюдений в поле, приведены формы бланков и таблиц. Методические указания. - Новосибирск, Сибирское отделение изд-во "Наука", 1974. - 155 с